

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2018
1/3**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.С. ТЎРАЕВ – к.ф.д., профессор.

Таҳрир ҳайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2018

Сиддиқов З.Х., Эгамбердиев А.Н. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида математика ўқитишда математик модель қуришнинг баъзи масалалари	297
Соипова М.К. Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ахлоқий тарбияси.....	300
Тажибаев С.С. Ўсмир боксчиларнинг креатинфосфат иш қобилияти индекси кўрсаткичларининг қисқич таҳлили	302
Таирова М.Б. Бошланғич таълимда арифметик ҳисоблаш воситаларининг такомиллаштириш тарихидан	305
Тўлаганова Г.О. Тарбияси оғир ёшлар онгига бадиий адабиётлар орқали таъсир кўрсатиш	308
Умаров С.Р. Бағрикенглик – миллий муносабатларнинг асосий таянчи	311
Умурзаков У.К. Проблемы популяризации спорта в не объединённые молодежной среде.....	314
Usmanova U. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy tasavvurlarini rivojlantirish pedagogik muammo sifatida...	316
Фарафонтон О.А., Козлова Е.В., Сушко Г.К. Образовательный цикл по физическому воспитанию студентов с содержанием педагогической валеологии	319
Холдарова Ф.Т. Халқаро музокаралар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари.....	322
Холмирзаев Х.Д. Ўзбек халқи этногенези ва этномаданиятининг диалектик муаммолари	326
Hasanova G.H. O'zbekiston va Yaponiya kasb-hunar ta'limi tizimlarining o'ziga xos xususiyatlari	330
Шодмонов Ш.А. Таълим тизимидаги муаммолар ва ўзгаришларнинг аҳамияти	333
Эронов С.Қ. Шарқ ва Ғарб фалсафаси таракқиётида Ибн Рушд таълимотининг ўрни	336
Эшанкулова Д.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти	338
Eshchanova X., Eshchanova M. Principals of using fairy tales in the language classroom with young learners in the kindergarten	341
Юлдашев Ф.Б., Абдуразақов Ф.А. Ёшларни инновацион лойиҳаларга жалб қилишда сиёсий партиялар фаолиятининг қисқич таҳлили	344
Юлдашева М.Қ. Ахборот асрида умуминсоний кадрятларни асраш муаммоси	347
Филология	
Абдукадинова Г. Сизги феъллари лексик семантик гуруҳларини лингвокогнитив аспектда ўрганиш (ўзбек ва инглиз тиллари манбалари асосида)	351
Абдуллаева Д.З. Жанр басни и произведение басенного типа: их генезис и функциональные особенности	354
Абдуллаева Д. Типы фразеологизмов с точки зрения семантической спаянности и фразеологической связанности	357
Абдуллаева Р.Ю. Ўзбек ва инглиз тилида “характер” тушунчасининг ифодаланиши	360
Abdullayeva S. Frazeologik iboralarning tarjima-dagi xususiyatlari.....	364
Абдуллаева С.Н. Русская орфография как объект научного познания и кодификации в период до реформы 1918 года	367
Адилова Н. Использование аутентичных текстов на уроках иностранного языка	371
Атаев Ш.А. Чет тили машғулотида талабаларнинг ёзув малакаларини ривожлантириш	374
Атаева Т.К. Талабаларга чет тилларини ўқитишда лексик материални тушунтиришнинг аҳамияти.....	377
Атаназарова Ш.М. “Ўзбек тилида лексик-семантик муносабатлар” модулини ўқитишда инновацион таълим технологияларининг ўрни.....	379
Begizova M. Thematic grouping of english idioms and effective techniques for their acquisition	381
Боллиева М. Балладада сюжет тасвири	384
Болтабоева У. Сўзлашув жараёнида нутқий воситаларнинг ўрни	388
Валиева Ҳ.С. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида замонавий таълим усуллари	392
Давлатова А.Р. Абдулла Орипов ижодий концепциясида миллий маънавият масаласи	395
Daliev M.H. Nominative – communicative approach to teaching word-formation.....	399
Джафарова Д.И. Француз ва ўзбек тилларида тил белгисининг мотивлашганлиги.....	401
Досбаева Н.Т. Таржима назариясида “лакуна” тушунчасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида.....	404
Жониқулова Г. Использование визуальной наглядности для развития языковых навыков	408
Zakirova Kh.A. Effective teaching methods and strategies to improve proficiency of esp students	411
Ибрагимова Р.З. Лингвокультурная компетенция и компетентность: отражение терминов в методических словарях.....	413
Ibragimova R.Z. Good practice in assessing learners' writing.....	415
Имянинова Ш.С., Хожиматов Д.Р. Немис тилининг орфографик қоидаларидаги ўзгаришлар масаласига доир.....	418
Kambarova M.M. Productively using architecture and civil engineering (ace) vocabulary in practical english lessons	421
Матенова Ю.У. Автобиографический характер романа Амели Нотомб «Страх и трепет».....	424
Мўминова Д.А. Хорижий тилга ўқитишда тил ва маданият уйғунлиги масаласи	427
Muratova D. The importance of teaching idioms to english language learners	430
Narmonov A.X. Badiiy adabiyotda qo'llanuvchi ba'zi she'riy san'atlar izohi	432
Омонов Р. Ўзбекистон халқ демократик партияси расмий веб-сайти www.xdp.uz фаолияти таҳлили.....	435
Отақулов Н.Б. Мезуратив ва микдор категорияси орасидаги мантикий ва лисоний муносабатлар.....	449

ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДА “ЛАКУНА” ТУШУНЧАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Досбаева Н.Т. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада лакуналар тадқиқига оид культурологик ва таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашувларни таққослаш ҳамда олинган хулосаларни умумлаштириш мақсади қўйилган. Ўтказилган таҳлил асосида “лакуна” тушунчасининг таржима назарияси илмий аппаратидаги мақомини белгилашга ҳаракат қилинган ва шу мақсадда қатор таржимашуносларнинг ушбу тушунчага доир қарашлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: лакуна, муқобиллик, трансформация, ёндашув, олам манзараси, реципиент, аслият тили, таржима тили, неологизм, элиминация, таржимасизлик.

Маълумки, “лакуна” тушунчаси лингвомаданиятшуносликда етарлича эътибор қаратилаётган концепт бўлиб, у масала сифатида нафақат ушбу илм ва у билан боғлиқ қатор фанлар учун, балки таржимашунослик учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Агар таржимашуносликдаги “лакунарлилик” муаммоси бўйича амалга оширилган ишларни кўздан кечирилса, шунга амин бўламлики, гарчи “эквивалентлилик”, “муқобиллик” тушунчалари асосида бир талай тадқиқотлар муваффақиятли олиб борилган бўлса-да, айнан “лакуна” тушунчасининг ўзини амалда кенг қўллаш борасида деярли аниқ бир тўхтамга келинмаганининг гувоҳи бўламиз. Демокчимизки, лакуна терминини айнан қайси ҳолат учун қандай ишлатиш ва унинг қамровига яна қайси тушунчаларни киритиш ҳамда лакунани бартараф қилиш бўйича берилган дастлабки ва “хира” фикрларни “гиниклаштириб” ёки бир тартибга солиб, таржимашуносликда ҳам лакунарлиликка доир ягона концепцияни олға суриш масаласи ўз ечимини кутмоқда. Ушбу мақолада лакуналар тадқиқига доир культурологик ва таржимашуносликка оид ёндашувларни таққослаш ва олинган хулосаларни умумлаштириш мақсади қўйилган.

Лакуна термини ва тушунчаси ҳозирги кунда этно- ва психоллингвистика, шунингдек, маданиятшунослик (маданиятлар ҳамда маданият ва тилнинг ўзаро алоқаларини ўрганадиган фанлар) доирасида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи учун катта қизиқиш уйғотади. Илк бор “лакуна” терминини “Француз ва инглиз тилларининг қиёсий стилистикаси”нинг муаллифлари Ж.П.Вине ва Ж.Дарбельнелар ишлатган бўлиб, “ҳар гал аслият тилидаги белги учун таржима тилида одатий муқобил топилмаганда, лакуна вужудга келади, яъни, масалан, инглизча “shallow” учун француз тилида бир сўзнинг мавжуд эмаслиги сингари” дея эслатиб ўтишган [26]. Ушбу термин учун бошқа таърифлар ҳам бор. И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейгларнинг ““яхши” (тўғри маъносида) ёки “ёмон” (нотўғри маъносида) таърифлар бўлмайди, балки “қулай” ва “ноқулай” таърифлар бор” [22], деган фикрларига қўшилиб, биз ҳам лакуналар ҳақидаги мақоламизни бошлаш учун қулай бўлган таърифдан фойдаланамиз: “Лакуна – бу лингвомаданий ҳодиса бўлиб, исталган шаклдаги алоқа иштирокчилари, хусусан, маданиятлараро алоқада турли халқлар ўртасидаги тушуниш

жараёнини маълум даражада қийинлаштиради. Маданият ва тиллар кодларидаги маълум жойлар тўлиқ қопланмаганда, бир маданият тилидан иккинчи маданият тилига белгини трансфер қилишнинг имкони бўлмаганда, ёки қисман бўлмаганда, аниқроғи, қабул қилувчи тилнинг декодлаш механизми жўнатилаётган тилнинг белгисини идентификация қилувчи семантик воситаларга эга бўлмаган вақтда лакуналар пайдо бўлади” [6]. Шунингдек, “сўзнинг, сўз маъноси компонентининг, сўз ёки грамматик шаклнинг ишлатилиш такрорийлигининг, бирор-бир концептнинг мавжуд эмаслиги” [26] ҳам лакуна бўлиши мумкин. Тор маънода айтилганда эса, лакуна бир тилда мавжуд лексик бирликнинг иккинчи тилда йўқлигини билдиради [26]. Психоллингвистлар Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковиналарнинг назарияларига кўра “лакуналар лингвомаданий жамоа тажрибасининг тўлиқ эмаслиги ёки аксинча, керагидан ортиқлиги туфайли вужудга келади” [19]. Этнопсихоллингвистика ва маданиятшунослик бўйича ёзилган кўплаб ишларда лакуналар масаласи кўриб чиқилган, уларнинг турли таснифлари ҳамда элиминация (ўрнини қоплаш, тўлдириш) усуллари келтирилади. Лакуналар сўз, грамматик тузилиш, вазият ва хаттоки маданият даражасида ўрганилади. Изланишлар натижаси ўларок, “Лакунология” деб аталмиш алоҳида фан ҳам дунёга келди.

Биз учун долзарб масала шундан иборатки, сўнги вақтларда психоллингвист ва маданиятшунослар ишларида лакунология ҳамда таржима ўртасидаги боғлиқлилик нуқтасига жиддийроқ ёндашила бошланди. Ўз даврида машҳур психоллингвист Ю.А.Сорокин шундай ёзиб қолдирган: “лакунология ва таржимашуносликнинг ўзаро бир-бирини тўлдиришини таъкидлаш ортиқчадир, аммо, шунга қарамай, айнан биринчисидан таржимашуносликдаги муаммоларни ечишга махсулдор туртки бериши кутилади” [21].

Лакуна назарияси ва таржимашунослик ўртасидаги боғлиқлик ҳақида қатор диссертациялар ёзилган [6; 19; 26]. Лакуналар ва уларнинг элиминацияси муаммоси психоллингвистика назариясида катта қизиқиш уйғотиб келган. Мантқан олганда, таржимашунослик билан чамбарчас боғлиқ фанларда (макролингвистика, шу жумладан, психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика) долзарб бўлган лакунарлилик масаласи, табиийки, таржимашунос олимларнинг

* Досбаева Н.Т. – НамМҚИ мустақил тадқиқотчиси.

ишларида ҳам чуқур ўрганилган бўлиши керак. Таржимашунослар турли тиллар томонидан борлиқнинг турлича талқин қилиниши, олам манзаралари тўғрисидаги масалаларни диққат-эътиборларидан қочиришмаган, албатта, аммо, шуниси бизга қизиқки, улар бу жараёнда лакуна терминидан қай даражада фойдаланишади ва уни қайси ҳолатларда қандай номлашади? Буни таҳлил қилиб кўрамиз. Лакуналар тавсифининг бир тилдаги маълум бўшлиқларнинг бошқа тилга қиёслаган ҳолатда тавсиф қилиш эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, биз таҳлил давомида асосан эквивалентлилик (эквивалентсизлилик) ҳамда таржималилик (таржимасизлик) масалаларини кўриб чиқамиз.

Эквивалентлилик – таржиманинг асосий тушунчасидир. Таржимадаги эквивалентлилик “маънолар ўхшашлиги орқали келиб чиқадиган тенглиқдир. У аниқ-тиниқ бўлмаслиги ҳам мумкин” [10]. В.Н.Комиссаров аслият тилидаги ҳамда таржима тилидаги эквивалентсизлилик тўғрисида куйидагиларни ёзади: “таржималарнинг қиёсий таҳлилида шу нарса маълум бўладики, таржима тилида ўзининг битта ёки кўплаб муқобилларига эга аслият тилидаги тил бирликлари қаторида шундай лексик ва грамматик бирликлар борки, таржима тилида уларга тўғридан-тўғри муқобил бўла оладиган бирликлар йўқдир” [12]. Худди шу масала маданиятшунослик аспектида ҳам ёритилади: “Умумий маънода, таржимадаги бутун жараён лакуналарни, яъни ўзаро муносабатга киришган тиллар ва маданиятлар ўртасидаги фарқлар туфайли вужудга келадиган тўсиқларни бартараф қилишдан иборат” [24].

Матнлар эквивалентлигини таъминлаш мақсадида таржимашуносликда бу турдаги тўсиқларни бартараф қилиш усуллари, хусусан, таржима трансформациялари ишлаб чиқилган. Маданиятшуносликда трансформациялар лакуналарни тўлдириш воситалари сифатида характерланган. Шундай қилиб, маданиятшунослар томонидан лакуналар лексик эквивалентсизлилик, яъни айрим лексик бирликлар учун таржима тилида тўғридан-тўғри муқобилнинг йўқлиги билан боғланади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар эквивалентсиз лексикани куйидагича изоҳлашади: “Ўзга маданият ёки тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодалашга хизмат қилувчи сўзлар. Фақат А маданиятга хос бўлиб, Б маданиятда йўқ бўлган маданий унсурлар, шунингдек, бир сўз билан бошқа тилга таржима қилина олмайдиган, ўзи тегишли бўлган тилдан ташқарида муқобилга эга бўлмаган сўзлар” [2]. Ушбу таърифни маданиятшунос В.Л.Муравьевнинг фикри билан солиштириб кўрамиз: “Агар уларнинг бошқа тилдаги муқобиллари бир сўз ёрдамида берилса олмай, фақатгина сўз бирикмалари воситасида берилса олса лакуналар мутлақ ҳисобланади” [24].

Бундан келиб чиқадики, эквивалентсиз лексика ва лакуналар бир нарса экан-да? Айрим тадқиқотчилар бу фикрга қўшилмайдилар. “Агар бир тилнинг лексик бирлигини бошқа тилдаги

муқим сўз бирикма билан ифодамай олинса ушбу бирлик лакуна деб ҳисоблай олинмайди. Масалан, essential (биринчи навбатдаги муқим нарса), rejectee (харбий хизматга яроқсиз), designation (лавозимга тайинлаш) каби сўзлар инглиз тили фонидида рус тили учун лакуналар ҳисобланмайди, чунки рус тилида тегишли маъно муқим сўз бирикмалари билан ифодаланган” [18.46]. Келтирилган мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, лакуналарнинг эквивалентсиз лексика билан ўзаро нисбати тўғрисидаги масала очик қолган.

Таржимада кийинчиликлар келтириб чиқарувчи яна бир туркум сўзлар – реалаяларга тўхталамиз. Бир халқда мавжуд бўлиб бошқасида бўлмаган, моддий ва маънавий маданият объектларини, турмуш ҳодисаларини ифодаловчи ушбу бирликлар лакуналар дейиладиларми? В.Д.Калининанинг дарслигига мурожаат қиламиз: “Кўпчилик тушунчалар турли вербал шаклга кирган бўлса-да, умумбашарий ҳисобланади. Бироқ реалаялар акс эттирадиган тушунчалар миллий характерга эгадир ва улар муқобилсиз лексикада кўринадилар” [10]. Шу ўринда С.И.Влахов ҳамда С.П.Флоринлар эквивалентсиз лексика, экзотик лексика, экзотизмлар, варваризмлар, локализмлар, этнографизмлар, бўшлиқлар ва нол муқобилга эга сўзлар сингари терминлар қаторида “реалая” терминига боғлиқликда лакуналарга тўхталиб ўтадилар [3]. Муаллифлар ушбу терминларни миллий, тарихий, маҳаллий бўёқдорлик, таржима тилида муқобилларнинг мавжуд эмаслиги сингари омиллар бирлаштириб туришини таъкидлашади. Ўз асарларида ушбу тадқиқотчилар реалая терминига аниқлик киритиш учун юқоридаги терминларни таҳлил қилиб чиқишади ҳамда реалаяга боғлиқ бўлмаган терминлар қаторига “бўшлиқ” терминини ҳам киритишади: “... табиийки, таржима нуктаи назаридан олиб қараганда, “бўшлиқ” ва “неологизм” “реалая”нинг синоними ва на аломатлари бўла олади” [3]. Шундай қилиб, “Таржимадаги таржима қилинмайдиганлар” китобида лакуналар реалаялардан ажратиб қўйилган.

Лакуналар ҳақида ёзган санокли таржимашунослардан бири В.Г.Гак уларни куйидагича таърифлайди: “Лакуналар – тилнинг лексик тизимидаги тушириб қолдирилган жойлар, мавжуд бўлмаган сўзлардир. Аслида тилнинг акс эттира олиш функцияси ва тегишли тилнинг лексик тизимидан келиб чиқилса, бу сўзлар тилда мавжуд бўлиши керакдек” [5].

Н.И.Дзенс ва ҳаммуаллифларининг таржима бўйича китобидаги эквивалентсиз тушунчаларни берилишига доир бобида “лакуна” термини ишлатилади. Муқобилсиз бирликлар турлари ҳақида ёзилар экан, ушбу қўлланмада тасодифий муқобилсиз лексика сифатида лексик лакуналар эслатиб ўтилади (реалаялар – мутлақ; терминлар ва илмий неологизмлар – вақтинчалик; “таржимоннинг сохта дўстлари” деб аталувчи маънода қисман мос келувчи - қисман). Тасодифий муқобилсизлар, яъни лакуналар – “аслият тили юртида мавжуд бўлганидек, таржима тили юртида ҳам мавжуд нарса

ва ҳодисаларни белгиловчи, лекин қайсидир сабабларга кўра тилларнинг бирида ўзига хос атамага эга бўлмаган ифодалардир” [7]. Худди шу пунктда рус тилидаги “сутки” сўзи мисол келтирилиб, немис тилида унинг “”24 соат”, “кун ва тун” шаклида берилганлиги айтилади. Г.В.Чернов ва Л.С.Бархударовларнинг муқобилсиз бирликлар таснифини ўрганилар экан, китобда яна “лакуна” термини ишлатилади: “тасодифий лакуналар деб аталиши мумкин бўлган лексик бирликлар, яъни тиллардан бирининг луғавий таркибида мавжуд бўлган ва қайсидир сабабларга кўра бошқа тилнинг луғавий таркибида ўзининг муқобилларига эга бўлмаган бирликлар”[7].

Таржима бўйича бошқа кўплаб ишларда лакуналар ҳақида деярли сўз юритилмайди. Лакуна тушунчасини намоён қилиш учун хизмат қилиши мумкин бўлган мисоллар эса етарлича келтирилади. Масалан, ишларнинг бирида “қўл” сўзига инглиз тилидаги иккита муқобил – hand ва arm тўғри келиши айтиб ўтилган. Таржима жараёнида танлов муаммосига дуч келинади. “У қўлидан жароҳат олди” мисолида қай бири ишлатилгани маъқул, hand ми ёки arm ми? “Ушбу вазиятда, тилда бир объектнинг турли қисмларини ифодалаш учун икки сўзнинг мавжудлиги инглиз тилида гапирувчиларнинг рус тилида гапирувчиларга нисбатан ажратиб турадиган ўзига хос фикрлаш тарзи борлигидан дарак беради” [20]. Бизнингча, ушбу тавофут лакунарлилик доирасида ҳам ўрганилиши мумкин эди.

Тиллараро лакуналарга культурологик ва таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашувлардаги фарқлар ҳақида фикр юритар экан, Д.И.Ермолович “маданиятшуносликда тиллараро лакунарлилик эквивалентсизлиликка тенглаштирилишини, лакуна ва эквивалентсиз лексика эса деярли синонимлар сифатида ишлатилиши”ни айтиб ўтади [8.55]. Демакки, маданиятшунослар эквивалентсизлилик ҳамда лакунарлилик ўртасида фарқланиш кўришмайди. Улар лакунарлиликни жуда кенг олиб, ушбу тушунчани “реципиент учун тушунарсизлилик, ноодатийлик, бегоналилик, нотанишлилик” сифатида изоҳлашади. Бироқ, таржима назарияси учун бундай кенг қараш мос келмайди, чунки таржимашунослик нуқтаи назаридан лакуналар фақатгина лексик бирликларнинг қиёсий таҳлили ҳодисаси сифатида кўриб чиқилади [8].

Ўтказилган таҳлил натижасида шунинг гувоҳи бўламизки, “лакуна” тушунчаси ҳозирча таржима назариясининг илмий аппаратида ноаниқ мақомга эга бўлиб турибди. Қатор муаллифлар томонидан муваффақиятли ишлатилган “лакуна” термини ягона талқинга эга эмас. Таржимада лакунарлилик муаммолари бўйича бир нечта мақолалар ва диссертациялар ёзилган, аммо ушбу термин ва тушунчага таржимашунослик нуқтаи назаридан янада аниқроқ ёндашувни ишлаб чиқиш масаласи долзарблигича қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М. : Междунар. отношения, 1975. – С.235.
2. Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. – Язык и культура – М., 1973. – С.269.
3. Влахов С. И., Флорин С. П. Непереводимое в переводе. – 3-е изд., испр. и доп. – М. : Р.Валент, 2006. – С.446.
4. Воробьев В. В. Лингвокультурология: теория и методы. – М., 1997. – С.331.
5. Гак В. Г. Сравнительная типология французского и русского языков: учеб. для студ. пед. ин-тов по спец. «Иностр. яз.». – 3-е изд., дораб. – М.: Просвещение, 1989. – С.288.
6. Глазачева Н. Л. Модель лакунизации как составляющая теории перевода (на примере русского и китайского языков : автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Барнаул, 2006. – С.208.
7. Дзенс __е_аН. И., Перевышина И. Р., Кошкарлов В. А. Теория и практика перевода: учеб. пособие. – СПб. : Антология, 2007. – С.559.
8. Ермолович Д. И. Наш перевод, вперед лети! В лакуне остановка // Мосты. – № 1(23). – М. : Р.Валент, 2009. – С. 48–67.
9. Иванов А. О. Безэквивалентное и непереваемое в переводе в свете современной лингвистической теории : дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1984. – С.190.
10. Калинина В. Д. Теория и практика перевода. Курс лекций : учеб. пособие. – М. : РУДН, 2008. – С.178.
11. Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода – М. : Международные отношения, 1980. – С.166.
12. Комиссаров В. Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. – С.250.
13. Комиссаров В. Н. Общая теория перевода – проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых : учеб. пособие. – М. : ЧеРо, 1999. – С.132.
14. Комиссаров В. Н. Лингвистическое переводоведение в России : учеб. пособие. – М.: ЭТС, 2002. – С.184.
15. Комиссаров В. Н. Теоретические основы методики обучения переводу. – М. : Рема, 1997. – С.110.
16. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение : учеб. пособие. – М. : ЭТС, 2001. – С.424.
17. Марковина И. Ю., Сорокин Ю. А. Культура и текст. Введение в лакунологию : учеб. пособие. – М. : ГЭОТАР-Медиа, 2010. – С.144.
18. Махонина А. А., Стернина М. А. Опыт типологии межъязыковых лакун // Лакуны в языке и речи : сб. науч. тр. / под ред. проф. Ю. А. Сорокина, проф. Г. В. Быковой. – Вып. 2. – Благовещенск : Изд-во БГПУ, 2005. – С. 45–55.
19. Проскурин Е. Г. Когнитивная лакунарность текста как проблема межкультурной коммуникации: дис. ... канд. филол. наук. – Барнаул, 2004. – С.146.
20. Сдобников В. В., Петрова О. В. Теория перевода : учебник для студ. лингвист. вузов и фак-тов ин. яз. – М. : АСТ : Восток–Запад, 2007. – С.444.
21. Сорокин Ю. А. Лакуны: еще один ракурс рассмотрения // Лакуны в языке и речи : сб. науч. тр. – Благовещенск : Изд-во БГПУ, 2003. – С. 3–11.
22. Ревзин И. И., Розенцвейг В. Ю. Основы общего и машинного перевода. – М. : Высшая школа, 1964. – С.243.
23. Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика. Очерки лингвистической теории перевода / доп. и ком. Д. И. Ермолович. – М. : Р.Валент, 2006. – С.237с.
24. Федоров А. В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы) : учеб. пособие для ин-тов и фак. иностр. яз. – 4-е изд., перераб. и доп. – М. : Высшая школа, 1983. – С.303.
25. Швейцер А. Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М. : Наука, 1988. – С.215.
26. Vinay, Jean-Paul and Jean Darbelnet Comparative Stylistics of French and English, a Methodology for Translation, translated and edited by Juan C. Sager and M.-J. Hamel, Benjamins Translation Library, vol. 11, Amsterdam/Philadelphia, 1995: John Benjamins, XX + P.358.

РЕЗЮМЕ

В статье поставлена цель сопоставления культурологического и переводоведческого подходов по изучению лакун, а также обобщения полученных результатов. На основе проведенного анализа была произведена попытка определить статус понятия «лакуна» в научном аппарате теории перевода, с целью чего были рассмотрены мнения переводоведов в связи с вышеупомянутым понятием.

Ключевые слова: лакуна, эквивалентность, трансформация, подход, картина мира, реципиент, исходной язык, язык перевода, неологизм, элиминация, непереваемость.

RESUME

The aim to compare culturological and translation approaches to the study of lacunas and generalizing the results of research is set in this article. Based on the analysis, an attempt was made to determine the status of the concept of "lacuna" in the scientific apparatus of the theory of translation, with the aim of which the views of translators in connection with the above-mentioned concept were considered.

Key words: lacuna, equivalency, transformation, approach, the image of the world, recipient, original language, translation language, neologism, elimination, translatability.

, 1998. – C.247